

Малайзиялик диний уламолар Кўкалдош мадрасасига ташриф буюрдилар




06:08 / 24.09.2018 3890

Аввал хабар берганимиздек, Малайзиялик диний уламолардан иборат делегация Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

Малайзиянинг Перлис штати муфтийси Моҳд Асри Бин Зайнул Абидин бошчилигидаги диний уламолардан иборат делегация шу кунларда Юртимизда меҳмон бўлиб турибдилар ҳамда юртимизнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилмоқдалар, - хабар қилмоқда ЎМИ Ахборот хизмати.

Image not found or type unknown




Шундай ташрифлардан бири Тошкент шаҳрида жойлашган Кўкалдош ўрта махсус ислом билим юртига амалга оширилди.

Бу ерда малайзиялик меҳмонларга диний таълим тизими, дарс жараёнлари, талабаларнинг яшаш шароитлари, ўқув режасига киритилган

фанлар, устозлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Image not found or type unknown



Маълумот учун, ташрифдан кўзланган мақсад Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази раҳбарияти билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, малайзиялик сайёҳларнинг зиёрат

туризми йўналишида Ўзбекистонга мунтазам ташрифини йўлга қўйишдан иборат.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти